

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 01

2022 йил 06 декабр.

Навоний шахри

**"ВИЛОЯТ ХОКИМЛИГИ, ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ" ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ** (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар **Х.Фармонов** ҳамда иккинчи томондан **Қизилтепа туман Тиббиёт бирлашмаси** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар **Ф.Ф.Жумзеев** ушбу шартномани қуйидагича тўздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Ушбу шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи" нинг буюртмасига асосан электрон ҳужжат айланиши тизимидан фойдаланиш техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича хизмат кўрсатади.  
"Буюртмачи" эса ушбу кўрсатиладиган хизматларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

1.2. "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" учун: (Бажариладиган ишнинг номи, маркаси, артикули)

Т/р	Бажариладиган ишнинг номи	Фойдаланувчи сони	Муддати	Бир ойлик Нархи	Умумий сўммаси
1	«IS-DocFlow» электрон ҳужжат айланиши тизимидан фойдаланишни техник жиҳатдан қўллаб қувватлаш хизмати. 2022 йил учун	1	12 ой	67500	810000
2	Вилоят ҳокимлиги ҳужжат айланиш тизими структурасига маълумотларни қўйиш	1	Бир марталик		270000
3	Буюртмачи талабига асосан дастурни web версиясига кўчириш логин парол яратиш	1	Бир марталик		270000
	<b>Жами</b>				<b>1 350 000</b>

Сумма: 1 350 000 (Бир миллион үч юз эллик минг ) сўм сўм ҚҚС сиз.

**II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

"Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Бажарувчи"дан "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғрилиниши харажатларини қоплашни;

шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини

"Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

"Хизматлар"га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 5 иш куни мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. "Бажарувчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда ўзил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. "Бажарувчи" қуйидагиларга мажбур:

"Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 иш куни муддатда текин тўзатиб бериш.

**III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ -КИТОБ ТАРТИБИ**

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси : 1 350 000 (Бир миллион үч юз эллик минг ) сўмни ташкил этиб, ишнинг ҳар бирлиги учун сўмда ҳақ тўланади.